

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

542 Ўзбекистон Республикасининг Халқаро тараққиёт уюшмаси устав капиталидаги қўшимча акцияларга обуна бўлиши тўғрисида

Халқаро тараққиёт уюшмаси билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, шунингдек уюшманинг устав капитали кўпайиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг ундаги бошланғич улушини сақлаб қолиш мақсадида:

1. Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ) Бошқарувчилар кенгаши томонидан ХТУнинг устав капиталини кўпайтириш ва ХТУга аъзо мамлакатларнинг ХТУ устав капиталидаги улушларини сақлаб қолиш мақсадида қўшимча акцияларга обуна бўлишларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг ХТУнинг устав капиталидаги 7972та акцияга, шу жумладан номинал қиймати 25 АҚШ доллари бўлган жами 54,3 минг АҚШ доллари миқдоридаги 2172 та ҳақ тўланадиган акция ҳамда 5800 та ҳақ тўланмайдиган акцияларга обуна бўлиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига Ўзбекистон Республикасини ХТУнинг устав капиталидан қўшимча акциялар харид қилиш нияти борлиги тўғрисидаги ёзма мажбуриятни Ўзбекистон Республикаси номидан имзолаш ваколати берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ХТУнинг устав капиталидаги 2172 та ҳақ тўланадиган акциялар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ХТУнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварағида жойлаштириладиган ҳамда ХТУнинг талабига биноан белгиланган тартибда сўндириладиган миллий валютада эквивалент қийматда бошқага ўтказилмайдиган вексель чиқариш йўли билан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки обуна бўлиш тўғрисидаги ҳужжат юборилгандан сўнг 31 кун мобайнида миллий валютада 54300 АҚШ долларига эквивалент қийматдаги бошқага ўтказилмайдиган фоизсиз вексель чиқариб, уни ХТУнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги қимматли қоғозлар ҳисобварағига жойлаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Жаҳон банки гуруҳи билан ҳамкорлик қилиш доирасида ваколатли ишчи орган сифатида:

Ўзбекистон Республикаси номидан ХТУнинг устав капиталидаги қўшим-

542-543-моддалар

— 4 —

45 (649)-сон

ча акцияларга обуна бўлиш тўғрисидаги хужжатнинг ХТУга ўз вақтида йўллана-
нишини таъминласин;

бошқага ўтказилмайдиган фоизсиз вексель чиқарилиб, ХТУнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги қимматли қоғозлар ҳисобварағига қўйилганлиги тўғрисида ХТУни хабардор қилсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 31 октябрь,
ПҚ-2254-сон